

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ҒМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ВАСИДОВ АБДИСАМАТ

**КОНСТРУКЦИЯВИЙ ВА БИОЭКОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРНИ
АКТИВАЦИОН ВА ИЗЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление
автореферата диссертации доктора технических наук (DSc)**

**Content
of the dissertation abstract of the doctor (DSc) on technical sciences**

Васидов Абдисамат

Конструкциявий ва биоэкологик материалларни активацион
ва изларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш..... 3

Васидов Абдисамат

Разработка методик для активационного и трекового анализа
конструкционных и биоэкологических материалов 30

Vasidov Abdisamat

Development of methods for the activation and track analysis of
construction and bioecological materials 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 62

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ҒМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ВАСИДОВ АБДИСАМАТ

**КОНСТРУКЦИЯВИЙ ВА БИОЭКОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРНИ
АКТИВАЦИОН ВА ИЗЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/T386 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухаммедов Суюн

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Солодухин Владимир Петрович

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Қулматов Рашид Анорович

кимё фанлари доктори, профессор

Қурбанов Бахтияр Ибрагимович

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел.: (+99871) 289-31-41; факс: (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100214, Ташкент ш., Улуғбек қўрғони ЯФИ. Тел.: +99871 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

О.Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, PhD ф.-м.ф

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Ҳозирги пайтда, ядро физикаси таҳлил усуллари, илмий-техник ва техник-иқтисодий масалаларини ҳал қилишда дунё амалиётининг энг долзарб воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Активацион таҳлил (АТ) усуллари турли хил табиий ва техноген материаллар ҳамда атроф-муҳит объектларидаги элементларни топиш ва уларнинг таркибини аниқлашда ядровий физика методлари имкониятларига асосланади. Элемент миқдорларини аниқлаш чегараларининг пастлиги (10^{-12} – 10^{-13} г), тезкорлиги ва ишончлилиги, намуна яхлитлигини бузмасдан 20 ва ундан ортиқ элементлар таркибини аниқлаш каби афзалликлари активацион таҳлилининг бошқа таҳлил усуллариغا нисбатан кенг фойдаланиш имконини яратди. АТ усуллари атом ядроларининг тузилиши ва хусусиятларига, ядро реакцияларидаги уйғониш функцияларининг, таҳлилий радионуклидларнинг (РН) чиқиш катталикларига ва нурланиш энергияларига асослангандир. Ядро реакцияларининг уйғониш функциялари ва таҳлилий радионуклидларнинг чиқиш қийматлари зарядланган заррачалар билан активацион таҳлил (ЗЗАТ) олиб боришда: элементларнинг таркибини абсолют метод билан аниқлашда; оптимал нурлантириш энергиясини аниқлашда; элементларни аниқлашнинг сезгирлигини ва қуйи чегарасини баҳолашда; РН нурланиш активлиги қийматини топишда; бошқа АТ усуллари билан таққослашда бу катталиклар муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда активацион таҳлил усуллари иқтисодиётнинг қуйидаги таҳлилий вазифаларини ҳал қилишда долзарб ўрин эгаллайди. Ўсимлик органларида кимёвий элементларнинг селектив ажралиши ва ҳаракатини ўрганиш учун инструментал нейтрон активацион таҳлилининг (ИНАТ) ишлаб чиқишда, унумсиз ерларни қайта тиклаш ва ҳосилдорликни ошириш учун маҳаллий штамм бактерияларини яратишда, қадимги сутэмизувчи ҳайвонлар ва ибтидоий одамларнинг илк ҳаёти ҳамда ривожланиши ҳақидаги маълумотларни кенгроқ ўрганиш учун мамлакатимиз ҳудудларидан топилган қадимий топилмалар элементлари таркибидаги ўзгаришларни ўрганишда; алюминий ва магний енгил қотишмаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда элементлар таркибини ўрганиш учун инструментал протон активацион таҳлил (ИПАТ) усулини ишлаб чиқишда устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда CR-39 типдаги қаттиқ жисмли ядро детекторлари (ҚЖЯД) ёрдамида радон излари таҳлилининг қўллаш долзарб масала ҳисобланади. Шунга кўра, республикада уран ва фосфорит минералларини қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашни ривожлантиришда; кўплаб радиоактив тўпламлар ва ташландиқларнинг мавжудлиги туфайли уларнинг атрофидаги аҳоли пунктлари учун асосий радон хавфи туғилишининг олдини олишда; кўплаб хонадонлар ва бинолар радон хавфли ҳудудларда жойлашганлиги ҳамда шу бинолар учун ишлатиладиган қурилиш материаллари радон эманация манбалари бўлиши мумкин. Конструкциявий ва

биоэкологик материалларни активацион ва изларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар катта аҳамиятга эга ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган стратегиясида¹ акс этган таҳлил қилишнинг ядровий-физикавий усуллари ва уларни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1443-сон “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларида ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари» ва VII. «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларини қайта ишлашда)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Нейтронлар ва зарядланган заррачалар билан инструментал активацион таҳлил усуллари бўйича тадқиқотлар дунёнинг йирик ядро илмий текшириш марказларида, жумладан: Бирлашган ядро тадқиқотлар институти (Россия), Стандартлар ва технологиялар миллий институти, Лос Аламос миллий лабораторияси, Радиокимё ва активацион таҳлил лабораторияси, Миссури университети (АҚШ), «Курчатов институти» илмий текшириш маркази (Россия), Чехия фанлар академияси ядро физикаси институти (Чехия), Ядро физикаси ва кимё институти (Хитой), САНА Ядро физикаси институти (Ҳиндистон), Delft технология университети (Нидерландия), Қозоғистон Республикаси энергетика вазирлиги Ядро физикаси институти (Қозоғистон), ЎЗР ФА Ядро физикаси институти (Ўзбекистон) ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Атроф-муҳит объектларидаги радонни аниқлашда қуйидаги илмий марказлар — Бирмингем университети физика ва космик тадқиқотлар мактаби (Буюк Британия), Йожеф Стефан институти (Словения), Томск илмий текшириш политехника университети (Россия), Покистон муҳандислик ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://cdfe.sinp.msu.ru>, <http://www.iaea.org/books>, <http://www.saha.in>, <http://www-nds.iaea.org/exfor/exfor.htm125> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

амалий тадқиқотлар институти (Покистон) катта ҳисса қўшиб келмоқда. Табиий ва техноген объектларда радонни аниқлашда каттик жисмли ядро детекторлари (ҚЖЯД) кенг қўлланилмоқда. Бунинг сабаби ҚЖЯДнинг қўлланишда оддийлиги, кенг диапазондаги температураларда ишлаши, юқори даражадаги гамма ва бета нурланишларининг таъсирини қайд қилмаслиги, радоннинг интеграл ёки ўртача миқдорини аниқлаш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради.

Дунёнинг ядро илмий тадқиқот марказларида кўп соҳалар бўйича ядровий ва амалий таҳлилда микроэлементлар таркибини аниқлашда активацион таҳлил усулларини қўллаш жуда фойдалидир. Масалан, активацион таҳлил усуллари экологияда, озиқ овқатлар сифатини назорат қилишда, соғлиқни сақлашда, геологик геофизик қидирув ишларида ҳамда материалшуносликда жуда кенг қўлланилмоқда. Активацион таҳлилда, элементларни аниқлаш сезгирлиги ва аниқланиш чегараси ядро реакциясининг активланиш кесими (уйғониш функциясига) ва таҳлилий радионуклидларнинг чиқиш катталикларига жуда боғлиқдир. Айниқса зарядланган заррачалар билан таҳлил усулида тажриба йўли билан аниқланган ядро реакцияларининг уйғониш функциялари ва радионуклидларининг чиқиш катталиклари муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда активацион таҳлил усуллари дунё бўйича кўплаб таҳлилий масалаларни аниқлашда қўлланилмоқда. Усулларни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш қуйидаги устувор йўналишларда амалга оширилади, шу жумладан: маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва унумсиз ерларни тиклаш учун ўсимликларнинг органларида элементларнинг ҳаракатини ўрганиш; археологик суяк топилмаларининг ёшини аниқлаш учун суяклардаги элементларнинг вариациясини ўрганиш; мустаҳкам материалларни яратиш учун конструктив материаллардаги элементлар таркибини аниқлаш, ҳамда аҳолининг соғлигини сақлаш учун атроф-муҳит объектларини радон назоратини олиб бориш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда тупроқ муҳитининг ўсимликлардаги микроэлементларнинг ҳаракатига ва селективлигига таъсирини ўрганишда активацион таҳлил усули катта қизиқиш уйғотмоқда. Элементларнинг ўсимлик органларидаги ҳаракат жараёнини ва уларнинг “тупроқ – ўсимлик” системасидаги тақсимланишини ўрганишда россиялик (Полынов Б.Б., Виноградов А.П., Протасова Н.А., Зволинский В.П., Батовская Е.К., ва бошқалар), польшалик (Kabata-Pendias A., Pendias H.), шунингдек, ўзбекистонлик (Кист А.А., Хатамов Ш.Х., Бакиев С.А., Қулматов Р.А., Мўминов Т.М., Курбанов Б.И., Данилова Е.А., Осинская Н.С.) олимларнинг катта ҳиссалари бор. Аммо илмий адабиётларда тупроқ минерал ва биологик ўғитлар билан озиқлантирилганда микроэлементларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини ўрганишга оид маълумотлар жуда кам.

Россиялик олимларнинг маълумотларига кўра (Антипина Е.Е., Зайчик В.Е.), археологик топилмалардан ҳисобланган ҳайвонлар ва одамларнинг

суяклари ер юзида энг кўп тарқалган ва сақланувчан материалдир. Аммо қадимги суяк топилмаларидаги элементлар таркибидаги ўзгаришни ўрганишга бағишланган илмий ишлар деярли йўқ. Шунинг учун суяклардаги таркибий ва бошқа элементларни аниқлаш орқали сутэмизувчи ҳайвонлар суякларининг ёши ва ибтидоий одамларнинг ҳаёт тарзи тўғрисида маълумотларни олиш мумкин.

Енгил (Li, B, C, N) ва бошқа баъзи элементларни (Ti, Fe, Y, Zr ва Pb) аниқлашда нейтрон активацион таҳлил усули қоникарли натижа бермайди, активацион таҳлилнинг бу қисми протон активацион таҳлил усули билан тўлдирилади. Бу соҳани ривожлантиришда америкалик (Schweikert E.A., Tilbury R.B., Balloy N.E.) ва европалик (Vandecasteele C., Chaudhri A., Debrun J.L., Qaim S.M.), япониялик (Nozaki T., Tanaka S., Furukawa M., Komura K.) ва россиялик (Краснов Н.Н., Дмитриев П.П., Калинин С.П., Казачевский И.О.) олимлар катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, ўзбекистон олимларининг (Муминов В.А., Мухаммедов С.М., Хайдаров Р.А., Навалихин Л.В.) ишлари алоҳида диққатга сазовордир, улар томонидан зарядли заррачалар билан таҳлил бўйича қўлланмалар ва монографиялар нашр этилган. Аммо радиотаҳлил катталиклари бўйича маълумотларнинг йўқлиги сабабли конструкцион материалларни кўп элементли таҳлил қилишда протонлар билан таҳлил имкониятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина лабораторияларида радоннинг ҳажмий активлиги ва эксхалация тезлигини аниқлаш учун CR-39 типидagi из детекторлари қўлланилади. Чунки у бошқа турдаги детекторларга нисбатан ижобий фазилатларга эга. Швециялик (Akerblom G., Anderson P., Mustonen R.), словениялик (Ilic R., Durrani S.A., Vaupotic J.), америкалик (Fleisher R.L., Hart H.R., Morgo-Campero A.), ҳиндистонлик (Singh S., Malhotra R., Kumar J.), россиялик (Яковлева В.С., Каратаев В.Д., Николаев В.А.), покистонлик (Said Rahman, Al-Jarallah M.I., Abu-Jarad F., Fazal-ur-Rahman) олимларнинг CR-39 детекторлар билан олиб борган тадқиқотлари натижасида оддий уйларда радон миқдорининг кўпайиши кузатилган. Бу хонадон эгаларининг саломатлиги учун хавфлидир. Ушбу натижалар радоннинг инсонга таъсирини чеклашга қаратилган кенг қўламли тадбирларни ва интенсив изланишларни тақозо этмоқда. Аммо Ўзбекистонда бундай тадқиқотлар радон ўлчовлари изли таҳлил усуллари билан амалга оширилмаган. Шунинг учун радоннинг аҳоли уйлари ва корхоналарда уран тўпламларига яқин жойлашган аҳоли пунктларида тарқалиши ҳар томонлама ўрганилмаган. Қурилиш материаллари, деворлар ва тупроқ юзасидан тарқалаётган радон чиқиш тезлиги аниқланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг №01.200009706 “Маҳаллий табиий муҳит объектларини ўрганиш учун ядровий-физик таҳлил усулларини ишлаб чиқиш” (2000-2002);

№01.200009709 “Ядровий қаттиқ жисм детекторлари ёрдамида радонни ўлчаш усулини ишлаб чиқиш” (2000-2002); П-4.11 “Геологик ва археологик намуналар ёшини аниқлашнинг ядровий-физик таҳлил усуллари ишлаб чиқиш” (2003-2005); П-13.91 “Қаттиқ жисмли из детекторлари ёрдамида хонадонлар ва саноат комплексидаги радон қийматини ўлчаш усулини яратиш” (2003-2005); А-7.188 “Тошкент вилоятининг радиоэкологик паспортини яратишда ядровий-физика таҳлил усуллари методик асослари” (2006-2008); ФА-Атех-2018 “Сув тозалашда импорт ўрнини босувчи системани, табиий ва техноген сув манбаларидаги радон–222 миқдорини ва Ўзбекистон Республикасида сувнинг сифатини аниқлашнинг радиацион мониторинг системасини ва методларини яратиш” (2018-2020) ҳамда 981742-рақамли НАТО халқаро «Legacy of uranium extraction and environmental security in the Central Asian Republics of Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan and Uzbekistan» (2005-2007) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимлик органлари, қадимий суяк топилмалари, конструкциявий материаллар ва атроф-муҳит объектларида кимёвий ва радиоактив элементлар концентрациясини аниқлашда самарадорлиги юқори бўлган активацион ва изларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инструментал протон активацион таҳлил учун зарур бўлган ядро реакцияларининг уйғониш функциялари ва радионуклидларнинг чиқиш катталикларини аниқлаш;

элементлар таркибини аниқлашнинг жуда сезгир инструментал нейтрон ва протон активацион таҳлил усуллари учун қуйидаги ишланмаларни яратиш:

тупроқ таркибига минерал ва биоўғитлар билан фосформобил бактериялар штаммлари берилганда пахта ва қанд лавлаги органлари ўсиш ва ҳосилга кириш жараёнларида микро элементлар ҳаракатини аниқлаш;

мамлакатимиз антропология фани учун зарур бўлган қадимий ҳайвонлар ва ибтидоий одамларнинг суяк намуналаридаги элементлар таркибини ўрганиш ва уларнинг ўзгаришини аниқлаш;

махаллий чиқинди материаллардан алюминий ва магний асосидаги конструкцияларни олиш учун уларнинг таркибини аниқлаш усулини яратиш;

хонадонлар, ишхоналардаги ва уран тўпламлари ва унга яқин аҳоли жойларида радоннинг ҳажмий активлигини (РХА), Тошкент вилоятидаги қурилиш материаллари, тоғ жинслари ва тупроқлардаги радон эксхалация тезлигини (РЭТ) CR-39 из детекторлари билан аниқлаш методларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини тупроқ намуналари, маданий ўсимликлар, суяк топилмалари, алюминий ва магний қотишмалари, радиоактив ва инерт радон-222 гази намуналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини зарядланган зарралар ҳосил қиладиган ядро реакцияларнинг уйғониш функциялари ва радионуклидларнинг чиқиш катталиклари, ўсимликлар органларида кимёвий элементларнинг таркиби ва

миқдори ҳамда тақсимланиши, тарихгача бўлган ва қадимги суяклар, алюминий ҳамда магний асосидаги конструктив материаллар, радоннинг ҳажмий активлиги ва радоннинг эксхалация тезлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Таҳлилий ядро физикасининг тажриба усуллари, ядро реакторида иссиқ нейтронлар ва циклотронда зарядланган заррачалар билан нурлантирилган намуналарни гамма–спектрометрия ўлчаш усуллари, радоннинг альфа-зарраларини қайд қилишда CR-39 из детекторлари ва альфа изларни санашда оптик қурилмалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидаги натижалардан иборат:

протон таъсирида ҳосил бўладиган 14 та $^{66,67}\text{Zn}$, ^{86}Sr , $^{117,120,122}\text{Sn}$, $^{121,123}\text{Sb}$, ^{103}Rh , ^{133}Cs , $^{134,136}\text{Ba}$ ва $^{204,206}\text{Pb}$ ядро реакциялари учун уйғониш функциялари аниқланган ҳамда протон ва дейтронлар таъсирида ҳосил бўладиган 76 радионуклидларнинг чиқиш катталиклари ҳисобланган;

$^{103}\text{Rh}(p,n)^{103}\text{Pd}$ реакциясининг уйғониш функцияси ва чиқиш катталиги, унинг ҳосил бўлиш бўсағасидан то 16 МэВгача аниқланган ва родийни таҳлил қилишда ^{103}Pd нинг 350 кэВ энергияли (0.03%) γ -кванти ўрнига, унинг 21 кэВ энергияли (70%) X-нурлари қайд қилинганда родийни аниқлаш имкони 250 мартага ошиши исботланган;

инструментал нейтрон активацион таҳлил усули ишлаб чиқилган ва ерни биологик фосфат бактерия штамми билан ўғитлантирилганда пахта ва қанд лавлаги ўсимликлари органларидаги ўсиш ва мевалаш жараёнида 20 дан кўп элементларнинг қийматлари ва Cr, Zn, Cu, Sr ва Ba каби оғир микроэлементларнинг биологик ютилиш коэффициентлари аниқланган;

алюминий ва магний қотишмаларини протонлар билан таҳлил қилиш усули яратилган ва Li, B, C, N, O, Ni, Y, Zr, Nb, Pb элементларини аниқлашда унинг бошқа активацион усулларга нисбатан афзаллиги кўрсатилган;

экспозиция вақтини 3-6 барабар ва таҳлил хатоликларни қисқартиришга имкон берадиган CR-39 детектори билан сувдаги радон концентрациясини аниқлашнинг янги усули яратилган;

дала шароитида тупроқ юзасининг радон эксхалация тезлигини аниқлашда уч камерали радон регистратори яратилган, радон эксхалациясининг фаслларга боғлиқлиги ва унинг эксхалация тезлиги лаборатория шароитида ўлчанган тупроққа нисбатан юздан кўп марта катта эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидаги натижалардан иборат:

инструментал нейтрон-активацион таҳлил усули билан тарихий суяк топилмаларида катта миқдордаги 3000 мг/кг ядровий бўлиниш элементларининг ҳосил бўлиши кўрсатилган;

тарихий ва қадимий суяк топилмаларнинг ёши ундаги уран-238 концентрациясига боғлиқлик корреляцияси мавжудлиги инструментал нейтрон-активацион таҳлил усули билан аниқланган;

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги радон ва унинг ҳосилаларидан оладиган йиллик эффектив дозаси 1 мЗв дан юқори эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги намуналарнинг активлигини ўлчашда замонавий усуллар, ўлчаш воситалари ва кимёвий таркиби ҳамда физик хусусиятлари бўйича намуналарга яқин бўлган халқаро стандарт эталонлардан фойдаланилганлиги ва олинган ядро реакцияларининг уйғониш функциялари ва радионуклидларнинг чиқиш каттакларининг қийматлари, ҳамда радоннинг ҳажмий активлиги ва эксхалация тезликларини ўлчаш қийматлари маҳаллий ҳамда хорижий муаллифларнинг мос натижаларини таққослаш йўли билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўрта энергияли зарядланган заррачалар ёрдамида олинган ядро реакцияларининг уйғониш функциялари ва радионуклидларнинг чиқиш катталиклари дунё амалий ядро физикаси маълумотлар хазинасини тўлдиришда, ҳамда конструкцион ва биоэкологик материалларни инструментал протон ва нейтрон активацион таҳлил усулларининг яратилишига катта ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таҳлил усуллари ёрдамида пахта ва шакар лавлаги ўсимликлари органларидаги кимёвий элементларнинг ҳаракатларини аниқлаш натижасида, маҳаллий р. *Bacillus* нинг янги штамм бактерияси олинган; дала шароитида тупроқ юзасининг радон эксхалация тезлигини аниқлаш учун уч камерали радон регистратори яратилган ва улар амалиётга татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Конструкциявий ва биоэкологик материалларни активацион ва изларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

протон таъсирида ҳосил бўладиган 14 ядро реакцияларининг уйғониш функциялари ҳамда протон ва дейтронлар таъсирида ҳосил бўладиган 76 радионуклидларнинг чиқиш катталиклари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар зарурияти учун мақсадли радиоизотопларни олишда фойдаланилган (МЧЖ “Тезлатгич” 2021 йил 28 январдаги 0122/1 - сон маълумотномаси). Натижада, радиоактив изотопларни олиш эффективлиги ва зарядланган заррачалар билан активацион таҳлил ўтказиш экспресслиги сезиларли даражага ошиш имконини берган;

$^{103}\text{Rh}(p,n)^{103}\text{Pd}$ реакциясининг уйғониш функцияси ва чиқиш катталигидан ва ^{103}Pd нинг γ -кванти ўрнига, унинг X-нурлари қайд қилинганда родийни аниқлаш имкони 250 мартага ошиши натижаси ООО «Тезлатгич» корхонаси томонидан палладий-103 радиоизотопини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (МЧЖ “Тезлатгич” 2021 йил 28 январдаги 0122/1 - сон маълумотномаси). Натижада, Pd-103 ташувчисизни олиш технологияси усулини ишлаб чиқиш имконини берган, ихтиро патенти олинган;

инструментал нейтрон активацион таҳлил усули ва ерни биологик фосфат бактерия штамми билан ўғитлантирилганда пахта ва қанд лавлаги ўсимликлари органларидаги ўсиш ва мевалаш жараёнида микроэлементларининг қийматлари Микробиология институтининг П-11.1.31

«Самарали тупроқ унумдорлигини тиклаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш» (2003-2005) амалий ва UB ARS 17 «Хом пахтадан экологик тоза ҳосил олиш учун пахтани етиштиришнинг биологик ва агротехник усуллари ишлаб чиқиш» (2003-2005) халқаро лойиҳалар доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 26.11.2020 йилдаги 4/1255-2646-рақамли маълумотномаси). Натижада, фосфат бирикмаларининг эрувчанлиги 30-35%, пахта ҳосилдорлиги 7-10 ц/га, қанд лавлаги унуми эса 45 т/га гача ошишига имкон берган;

алюминий ва магний қотишмаларини протонлар билан таҳлил қилиш усули У-150 циклотронда ҳар хил материаллар таркибини таҳлил қилишда фойдаланилган (МЧЖ “Тезлатгич” 2021 йил 28 январдаги 0122/1 - сон маълумотномаси). Натижада, қўлланилган яратма турли қотишмалардаги элементлар таркибини аниқлашга имкон берган;

CR-39 детектори билан сувдаги радон концентрациясини аниқлашнинг янги усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ IAP 20180196, 30.09.2020) ва ЎзР ССВ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 04.09.2020 йилдаги 78/1597-сон маълумотномаси). Натижада, санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена стандартлари бўйича маълумотларни янгилашга имкон берган;

дала шароитида тупроқ юзасининг радон эксхалация тезлигини аниқлашда жуда оддий уч камерали радон регистратори, радон эксхалациясининг фаслларга боғлиқлиги ва унинг эксхалация тезлиги лаборатория шароитида ўлчанган тупроққа нисбатан юздан кўп марта катта эканлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 04.09.2020 йилдаги 78/1597-сон маълумотномаси). Натижада, курилаётган ва фойдаланувдаги уйлар учун янги радон чегара қийматлари мос равишда 100 Бк/м³ ва 200 Бк/м³ катталикларга тенг деб қабул қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда келтирилган асосий тадқиқот натижалари 24 та халқаро ва республика илмий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та, жумладан, 3 та монография, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 та илмий мақола, шулардан 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, бешта боб, хулоса, чоп этилган илмий ишлар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ядровий-аналитик муаммоларни ҳал қилишда асосий ядро қурилмаларидан фойдаланиш ҳолати”** номли биринчи бобида кимёвий элементларнинг таркибини ва атроф-муҳит объектларида радон миқдорини аниқлашда активацион ва изли таҳлиллари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда асосий ядро қурилмалари ва ускуналарида фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ўрганиб чиқилган. Замонавий вазиятлар билан танишиш натижасида зарур хулосалар ва ечиш керак бўлган муаммолар асосланиб берилган.

Диссертациянинг **“Эксперимент техникаси, тадқиқот объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ЎзР ФА ЯФИдаги У-150 циклотрони ва ВВР-СМ ядро реакторида тадқиқотлар ўтказиш методикаси ва уйлар ҳавосидаги РХА, қурилиш ва табиий материаллари юзасидан чиқаётган РЭТ аниқлаш учун CR-39 детекторларини қўллаш тавсифи берилган.

Циклотрон қурилмасида тадқиқотлар ўтказиш. Намуналарни нурлантириш учун икки хил нурланиш камераси ишлатилган. Яшаш даври қисқа (10-1000 с) бўлган РНларни таҳлил қилишда уларнинг уйғониш функцияларини ва чиқиш катталикларини ўлчашда пневмопочта билан жиҳозланган махсус нурлантириш камераси ишлатилди.

Яшаш даври >20 мин катта бўлган радионуклидларни ҳосил қилиш учун намуналарни нурлантириш, совутиш мосламаси бўлган вакуум камерасида амалга оширилди.

Ядро реакцияларнинг уйғониш функциялари намуналарни нурлантириш усули билан ўлчанди. Нишон элементи сифатида тоза кимёвий элементнинг кукун бирикмалари қалинлиги 2.6 ёки 7.8 мг/см² бўлган алюминий фолга юзасига дихлорэтанда эрувчи полистирол суспензияси ёрдамида бир текисда ёпиштирилган. Баъзи реакцияларнинг уйғониш функциясини ўлчашда ўша элементнинг фольгасидан фойдаланилди. Радионуклиднинг ярим яшаш даврига қараб, намуналарни яқка ҳолда ёки тўплам қилиб нурлантирилди. Ҳосил бўлган радионуклидларнинг гамма нурлари, ⁶⁰Со 1332 кэВ линиясига ажратиш қобилияти мос ҳолда 4.5 кэВ ва 1.8 кэВ бўлган Ge(Li) ва HPGe детекторларида ўлчанди.

Ядро реакторида тажриба ўтказиш техникаси. ВВР-СМ ядро реакторида намуналарни тайёрлаш ва нурлантириш қуйидаги тарзда амалга оширилди. Пахта ва қанд лавлаги турли органлари намуналарини таҳлилга

тайёрлаш учун ҳавоси тоза бўлган муҳитда табиий равишда қуритилди. Қуритишдан олдин ўсимлик органлари дистилланган сув билан ювилди ва филтр қоғози билан артилди. Бу йўл билан таёрлаганда намуналар таркибидаги элементлар сезиларли йўқотилмайди.

Эталон сифатида АҚШдаги Стандартлар ва технологиялар миллий институти таёрлаган цитрус (SRM-1572) ва қарағай (SRM-1575) барглари стандартлар коллекциясидан фойдаланилди. Намуналар ЎзР ФА ЯФИнинг ВВР-СМ ядро реакторида илиқ нейтронлар оқимида $(3-5) \cdot 10^{13} \text{ см}^{-2} \cdot \text{с}^{-1}$ нурлантирилди.

Радонни ўлчаш техникаси. Ҳозирги вақтда радоннинг табиий радиоактивлигини ўлчаш учун турли асбоблар ва усуллар мавжуд бўлиб, улар нурланишларни қайд қилишига қараб актив ва пассив усулга бўлинади.


Радон ва унинг ҳосилалари муҳитига таъсир йўли билан ва уларнинг нурларини электрон асбоблар ёрдамида ўлчашлар актив усулга киради.

Пассив усулда радон детекторлари узоқ вақт давомида радон муҳитига таъсир қилмасдан интеграл қийматини қайд қилиб боради. Ваҳоланки, узоқ вақт давомида ўлчашлар ўртача радон қийматини аниқлаш имконини беради, бу қиймат орқали, одамларнинг радон туфайли оладиган йиллик эффектив дозасини ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун радон ва унинг ҳосилаларининг альфа-нурланишларини қайд қилиш учун CR-39 турдаги из детекторини қўлладик.


Радон ўлчов камераларини лойиҳалашда, биз ўз имкониятимизга қарадик. Бунинг учун ҳажмлари 140 см^3 ($\varnothing=6.0 \text{ см}$ ва $h=7 \text{ см}$) ва 280 см^3 ($\varnothing=5.3 \text{ см}$ и $h=13 \text{ см}$) бўлган тайёр пластик стаканлардан фойдаландик. Камераларнинг юқори қисмига CR-39 детектори ўрнатилган бўлиб, биринчиси (1-расм), хоналардаги РХА ўлчаш учун иккинчиси (2а-расм), турли материаллар юзасидан чиқаётган РЭТ лаборатория шароитида аниқлаш учун мўлжалланган.

Камераларнинг кириш қисми ҳаво аэрозолларини ва радон ҳосилаларини тутиб қолиш учун филтр қоғози билан ёпилган. РХА ва РЭТ ўлчашларида детекторларнинг экспозиция вақти 30-45 кунларни ташкил қилди.

Дала шароитида тупроқлар юзасидан чиқаётган РЭТ аниқлаш учун уч камерали радон-222 регистратори яратилди, унинг схематик кўриниши 2б - расмда берилган. Радон регистратори камералари цилиндрсимон шаклда ($\varnothing=9; 8$ и 7 см ; и $h=20; 15$ и 10 см) бўлиб, ҳар бирининг ичига CR-39 ($D1 \div D3$) детекторлари қўйилиб камераларнинг кириши қоғоз филтрлар билан ёпилган. Бир-бирининг ичига жойлаштирилган камераларнинг кириш юзалари қарама-қарши йўналишда бўлиб, ^{220}Rn учун сунъий масофа йўли қўшилган.



1-расм. Хонадаги РХА ўлчаш камерасининг схематик кўриниши



2-расм. Лаборатория а) ва дала б) шароитларида РЭТ қийматларини ўлчаш камераларининг схематик кўриниши

Камераларнинг ишлаш принципи қуйидагича: биринчи камера детектори Д1 бир вақтнинг ўзида иккала ^{222}Rn ва ^{220}Rn альфа зарраларини қайд қилади; 2-камеранинг пастки қисмида ўрнатилган Д2, фақат ^{222}Rn ва унинг ҳосилаларинининг альфаларини қайд қилади, чунки ^{220}Rn ($T_{1/2}=56\text{с}$) Д2 детекторига етиб бораолмайди. Учинчи камерадаги Д3 детектори хатоликларни назорат қилиш учун ўрнатилган.

Экспозициядан кейин детекторлардаги латент изларини микроскопда санаш учун, CR-39 детекторлари 6М моляр NaOH ишқорида 6-8 соат давомида 70°C едирилди. Катталаштирилган изларни санаш учун телекамера билан жиҳозланган оптик микроскопдан фойдаланилди.

"Ядро реакцияларнинг уйғониш функцияларини ва радионуклидларнинг чиқиш катталигини ўлчаш" бўйича, диссертациянинг учинчи бобида циклотрон ёрдамида олинган протон ва дейтрон активациясини таҳлил қилишда зарур бўладиган тадқиқот натижалари келтирилган.

Маълумки, ядровий-аналитик муаммоларни ҳал қилишда зарядланган заррачалар билан бўладиган реакцияларнинг энг муҳим ядро-физик характеристикасига реакцияларнинг уйғониш функцияси ва шу реакциялар натижасида ҳосил бўладиган РНларнинг чиқиш катталиклари киради. Юпқа фольгалар тўпламини тезлаштирилган протонлар билан урилганда ҳосил бўладиган ядро реакцияларининг уйғониш функцияси қийматини қуйидаги формуладан аниқланди:

$$\sigma = [s \cdot \exp(\lambda t_{\text{охл}}) k \cdot M_x] / \{t_{\text{изм}} \cdot \alpha_\gamma \cdot i_\gamma \cdot 6.25 \cdot 10^{12} I \cdot \rho \Delta x \cdot f \cdot \theta \cdot N_A [1 - \exp(-\lambda t_{\text{обл}})]\} \quad (1)$$

бу ерда σ - E_p энергияли протонлар учун активация кесими, см^2 ; s – фотопикнинг майдони, имп; k – ўлчаш геометриясига тузатиш; M_x – изотопнинг атом масса сони; $t_{\text{обл}}$ и $t_{\text{охл}}$, $t_{\text{изм}}$ – мос ҳолда нурлантириш и совутиш, радиоактивликни ўлчаш вақтлари, сек; α_γ – детекторнинг эффе́ктивлиги; i_γ – γ -квантнинг интенсивлиги; $\rho \Delta x = m_0/d$, намунанинг юза зичлиги, $\text{мг}/\text{см}^2$; m_0 –

наmunанинг оғирлиги, мг; d – наmunанинг нурланиш майдони, см²; f – наmunанинг вазн нисбати, г/г; θ – реакциядаги нуклиднинг табиий тарқалиши; N_A – Авогадро сони.

(p, n) реакцияси бўйича 22 ядронинг уйғониш функцияси ўлчанди, уларнинг ичида 14 ядро ^{79, 81}Br, ^{66, 67}Zn, ⁸⁶Sr, ^{117, 120, 122}Sn, ^{121, 123}Sb, ¹⁰³Rh, ¹³³Cs, ^{134, 136}Ba ва ^{204, 206}Pb учун биринчи марта ўлчанилди, қолганлари учун эса, олинган маълумотлар янгиланди. Олинган ядро реакцияларининг уйғониш функциялари диссертациянинг иловасида (1-илова) келтирилган ва радионуклидларнинг чиқиш катталикларини ҳисоблашда фойдаланилган.

Тажриба йўли билан ўлчанган радионуклидларнинг чиқиш катталиклари қуйидаги формуладан аниқланди:

$$Y(\text{Бк/мкА} \cdot \text{ч}) = [s \cdot \exp(\lambda t_{\text{охл}}) k \cdot \lambda] / \{t_{\text{изм}} \cdot \alpha_{\gamma} \cdot i_{\gamma} \cdot I[(1 - \exp(-\lambda \cdot t_{\text{обл}}))]\} \quad (2)$$

Тажрибалар натижасида протонлар ва дейтронлар билан ҳосил бўладиган юздан кўпроқ ядро реакцияларидаги радионуклидларнинг чиқиш катталиклари ўлчанган ва ҳособлаб чиқилган.

У-150 циклотронда тезлатилган протонлар натижасида ҳосил бўладиган қисқа ва узоқ яшовчи радионуклидларнинг чиқиш катталиклари 1- ва 2-жадвалларда келтирилган. 1-жадвалда $E_p = 12$ МэВ да С, N, O, Na, Se, Br, Y, Mo, Cd элементлардан ҳосил бўладиган радионуклидларнинг чиқиш катталиги (0.25– 4.4)10⁹ Бк/мкА атрофида, В, Zr, Zn, Sn, Pr учун (1.5-10.7)10⁷ Бк/мкА атрофида ва бошқалар учун 2·10⁶ Бк/мкА атрофида аниқланган.

1-жадвал

Қисқа яшовчи радионуклидларнинг чиқиш катталиги (Y, ·10ⁿ Бк/мкА)

Ядро реакциялари	Протонлар энергияси, МэВ						
	7	8	9	10	11	12	n
¹⁰ B(p, n) ¹⁰ C	-	1.6	3.3	6.3	9.8	15.2	6
¹³ C(p, n) ¹³ N	1.3	1.7	2.0	2.1	2.3	2.5	8
¹⁴ N(p, α) ¹¹ C	3.6	8.8	12.8	17.0	20.5	25	8
¹⁴ N(p, n) ¹⁴ O	-	0.4	0.8	1.4	1.9	2.9	9
¹⁶ O(p, α) ¹³ N	0.24	0.48	0.7	0.9	1.1	1.3	9
²³ Na(p, n) ²³ Mg	0.33	0.46	0.7	1.1	1.4	1.9	9
⁶⁴ Zn(p, n) ⁶⁴ Ga	-	-	-	4.8	9.3	15.1	7
⁸⁰ Se(p, n) ⁸⁰ Br	1.9	2.5	3.1	3.6	4.0	4.4	9
⁷⁹ Br(p, n) ^{79m} Kr	0.5	0.93	1.5	2.2	3.2	4.4	8
⁸¹ Br(p, n) ^{81m} Kr	0.9	3.2	7.1	12.0	16.9	22.6	7
⁸⁹ Y(p, n) ^{89m} Zr	-	0.80	1.8	3.0	4.4	5.9	8
⁹⁰ Zr(p, n) ^{90m} Nb	-	-	2.2	5.3	9.6	-	7
⁹² Mo(p, n) ⁹² Tc	-	-	-	0.6	30.9	70.1	8
¹⁰⁰ Mo(p, n) ¹⁰⁰ Tc	0.83	1.5	2.6	3.9	5.6	7.2	8
¹¹² Cd(p, n) ¹¹² In	-	1.5	3.3	5.2	7.3	9.4	8

$^{116}\text{Sn}(p, n)^{116}\text{Sb}$	1.1	1.9	2.8	4.0	4.7	6.7	7
$^{118}\text{Sn}(p, n)^{118}\text{Sb}$	-	9.8	14.0	18.6	24.0	29.0	6
$^{120}\text{Sn}(p, n)^{120}\text{Sb}$	-	3.4	5.4	7.4	8.7	10.7	8
$^{134}\text{Ba}(p, n)^{134}\text{La}$	-	0.14	0.34	0.64	1.2	2.1	6
$^{136}\text{Ba}(p, n)^{136}\text{La}$	-	0.5	1.2	2.0	4.4	8.5	7
$^{139}\text{La}(p, n)^{139\text{m}}\text{Ce}$	-	1.0	2.4	4.6	8.4	13.7	7
$^{141}\text{Pr}(p, n)^{141\text{m}}\text{Nd}$	-	-	0.02	1.9	2.7	8.2	7
$^{142}\text{Nd}(p, n)^{142}\text{Pm}$	-	0.3	0.9	1.8	3.6	6.1	7
$^{180}\text{W}(p, n)^{180}\text{Re}$	-	-	-	0.6	2.0	4.8	6

2-жадвалга асосан, $E_p=12$ МэВ қуйидаги радионуклидлар ^{45}Ti , $^{52\text{m}}\text{Mn}$, ^{60}Cu ва ^{63}Zn юқори чиқиш катталигига эга бўлди $(0.2-5.3)10^9$ Бк/мкА·ст. Қуйидаги элементлардан S, O, Ca, Zn, Ga, Ge, Se, Br, Rb, Sr, Y, Zr ва Mo ҳосил бўладиган радионуклидларнинг чиқиши $10^7-2 \cdot 10^8$ Бк/мкА·ст атрофида аниқланди. ^7Be , ^{48}V , ^{51}Cr , ^{52}Mn , ^{56}Co , ^{65}Zn , ^{67}Ga РН чиқиш катталиклари нисбатан кичикдир $(3-60)10^5$ Бк/мкА·ст. ^{110}In , ^{128}I , ^{141}Nd , ^{107}Cd радионуклидларнинг чиқиш қийматлари $(2.4-7.8)10^8$ Бк/мкА·ст атрофида аниқланди; $^{110\text{m}}$, ^{111}In , ^{117}Sb , ^{121}Te , ^{130}I , ^{127}Xe , $^{133\text{m}}\text{Ba}$, ^{142}Pr , $^{182\text{m}}\text{Re}$ РН қийматлари $(0.2-7)10^7$ Бк/мкА·ст атрофида бўлса; La, Au, Pb, Th элементларидан ҳосил бўладиган радионуклидларнинг чиқиши $(0.43-4.8)10^5$ Бк/мкА·ст ташкил қилади.

2-жадвал

Ўрта ва узок яшовчи радионуклидларнинг чиқиш катталиклари ($Y \cdot 10^n \cdot \text{Бк/мкА} \cdot \text{ст}$)

Ядро реакциялари	Протонлар энергияси, МэВ						
	7	8	9	10	11	12	n
$^7\text{Li}(p, n)^7\text{Be}$	4.8	6.2	7.3	8.1	8.5	8.7	6
$^{10}\text{B}(p, \alpha)^7\text{Be}$	0.63	0.72	0.82	0.93	1.10	1.2	6
$^{18}\text{O}(p, n)^{18}\text{F}$	3.8	4.6	5.4	6.1	6.7	7.3	6
$^{34}\text{S}(p, n)^{34\text{m}}\text{Cl}$	0.83	1.7	2.4	2.8	3.5	4.2	7
$^{44}\text{Ca}(p, n)^{44}\text{Sc}$	-	-	0.4	1.0	2.0	3.4	7
$^{45}\text{Sc}(p, n)^{45}\text{Ti}$	0.2	0.44	0.7	1.0	1.3	1.6	8
$^{48}\text{Ti}(p, n)^{48}\text{V}$	1.0	2.0	3.2	4.5	6.0	7.4	6
$^{51}\text{V}(p, n)^{51}\text{Cr}$	1.3	2.0	2.8	3.9	5.1	6.4	6
$^{52}\text{Cr}(p, n)^{52}\text{Mn}$	0.11	0.53	1.1	1.9	2.9	4.3	6
$^{52}\text{Cr}(p, n)^{52\text{m}}\text{Mn}$	0.3	0.85	1.6	2.2	3.3	4.6	9
$^{56}\text{Fe}(p, n)^{56}\text{Co}$	0.5	1.5	2.8	4.7	7.6	11	5
$^{60}\text{Ni}(p, n)^{60}\text{Cu}$	0.45	1.0	2.0	3.6	6.5	10.7	8
$^{63}\text{Cu}(p, n)^{63}\text{Zn}$	0.37	0.99	1.7	2.6	3.9	5.3	9
$^{65}\text{Cu}(p, n)^{65}\text{Zn}$	0.46	0.8	1.1	1.6	2.2	3.0	5
$^{66}\text{Zn}(p, n)^{66}\text{Ga}$	0.22	2.3	2.8	5.3	8.8	12.8	7
$^{67}\text{Zn}(p, n)^{67}\text{Ga}$	0.28	0.51	0.81	1.3	2.0	2.7	6
$^{69}\text{Ga}(p, n)^{69}\text{Ge}$	-	1.2	2.4	3.6	4.8	6.0	7
$^{70}\text{Ge}(p, n)^{70}\text{As}$	-	2.2	4.3	7.3	10.9	15.6	7

$^{82}\text{Se}(p, n)^{82}\text{Br}$	1.7	2.1	3.9	5.3	7.0	8.7	6
$^{79}\text{Br}(p, n)^{79}\text{Kr}$	0.61	0.96	1.44	2.0	2.7	3.1	7
$^{87}\text{Rb}(p, n)^{87\text{m}}\text{Sr}$	0.39	0.6	0.8	1.0	1.3	1.6	8
$^{86}\text{Sr}(p, n)^{86}\text{Y}$	-	-	0.7	1.9	4.3	7.1	6
$^{86}\text{Sr}(p, n)^{86\text{m}}\text{Y}$	-	0.1	0.33	0.73	1.6	2.4	7
$^{89}\text{Y}(p, n)^{89}\text{Zr}$	0.3	0.6	1.1	2.5	3.2	4.5	7
$^{90}\text{Zr}(p, n)^{90}\text{Nb}$	-	1.6	2.1	3.4	5.7	11.1	7
$^{95}\text{Mo}(p, n)^{95}\text{Tc}$	2.6	4.5	7.3	11.7	16.8	20	6
$^{103}\text{Rh}(p, n)^{103}\text{Pd}$	0.47	1.2	2.3	3.8	5.2	6.3	6
$^{107}\text{Ag}(p, n)^{107}\text{Cd}$	1.3	3.1	5.6	9.4	15.2	21.5	7
$^{110}\text{Cd}(p, n)^{110\text{m}}\text{Jn}$	-	1.3	3.8	7.2	11.0	15.4	6
$^{110}\text{Cd}(p, n)^{110}\text{In}$	0.2	0.5	1.0	1.6	2.7	4.2	8
$^{111}\text{Cd}(p, n)^{111}\text{In}$	-	0.8	1.8	3.1	4.2	6.0	6
$^{113}\text{Cd}(p, n)^{113\text{m}}\text{In}$	0.7	1.0	1.5	2.1	2.9	3.6	7
$^{116}\text{Cd}(p, n)^{116\text{m1}}\text{In}$	0.4	1.0	1.9	3.2	4.5	5.6	7
$^{117}\text{Sn}(p, n)^{117}\text{Sb}$	0.4	1.1	1.9	3.1	4.8	7.0	7
$^{120}\text{Sn}(p, n)^{120\text{m}}\text{Sb}$	0.2	0.6	1.0	1.4	2.0	2.6	6
$^{122}\text{Sn}(p, n)^{122}\text{Sb}$	0.2	0.5	0.8	1.1	1.6	2.1	6
$^{121}\text{Sb}(p, n)^{121}\text{Te}$	0.4	1.1	2.4	4.2	7.5	-	4
$^{121}\text{Sb}(p, n)^{121\text{m}}\text{Te}$	0.4	1.3	3.0	5.9	10.0	-	5
$^{123}\text{Sb}(p, n)^{123\text{m}}\text{Te}$	0.5	1.5	2.8	4.5	7.4	-	4
$^{128}\text{Te}(p, n)^{128}\text{I}$	0.2	0.4	0.9	1.2	1.8	2.4	8
$^{130}\text{Te}(p, n)^{130}\text{I}$	0.4	0.6	0.8	1.1	1.4	1.8	7
$^{127}\text{I}(p, n)^{127}\text{Xe}$	0.8	2.3	4.9	8.9	13.4	19.1	5
$^{133}\text{Cs}(p, n)^{133\text{m}}\text{Ba}$	0.65	1.6	3.1	5.3	10.0	15.7	6
$^{139}\text{La}(p, n)^{139}\text{Ce}$	-	0.15	0.45	1.0	1.7	2.5	5
$^{142}\text{Ce}(p, n)^{142}\text{Pr}$	0,2	0.5	1.0	1.5	1.7	1.9	6
$^{141}\text{Pr}(p, n)^{141}\text{Nd}$	-	-	0.4	2.4	4.7	7.8	8
$^{151}\text{Eu}(p, n)^{151}\text{Gd}$	-	-	2.5	5.4	8.3	12.5	4
$^{153}\text{Eu}(p, n)^{153}\text{Gd}$	-	0.8	1.4	2.2	3.3	4.3	4
$^{181}\text{Ta}(p, n)^{181}\text{W}$	-	0.7	2.0	3.8	5.7	8.4	4
$^{182}\text{W}(p, n)^{182\text{m}}\text{Re}$	1,0	3.0	5.0	8.3	12.4	19.7	6
$^{197}\text{Au}(p, n)^{197}\text{Hg}$	-	-	0.1	0.6	1.4	4.1	4
$^{204}\text{Pb}(p, n)^{204}\text{Bi}$	-	0.6	2.2	5.8	11.9	20.8	4
$^{206}\text{Pb}(p, n)^{206}\text{Bi}$	0.06	0.3	0.7	1.5	2.9	4.8	5
$^{232}\text{Th}(p, n)^{232}\text{Pa}$	-	-	-	1.0	1.6	2.4	5

76 ядро реакциялари учун РН чиқиш катталиклари биринчи марта аниқланди. Булар ичида қисқа яшовчи радионуклидлардан ^{10}C , ^{23}Mg , ^{80}Br , $^{79\text{m},81\text{m}}\text{Kr}$, $^{89\text{m}}\text{Zr}$, $^{90\text{m}}\text{Nb}$, ^{100}Tc , ^{112}In , $^{116,118,120}\text{Sb}$, $^{134,136}\text{La}$, $^{139\text{m}}\text{Ce}$, $^{141\text{m}}\text{Nd}$, ^{142}Pm , ^{180}Re ва узоқ яшовчи РНдан ^7Be , ^{45}Ti , $^{55,56}\text{Co}$, $^{66,67,69}\text{Ga}$, $^{69,72}\text{Ge}$, $^{70,76}\text{As}$, $^{80\text{m},82}\text{Br}$, ^{79}Kr , $^{86,86\text{m},87,87\text{m},89,90}\text{Y}$, $^{89,95,97}\text{Zr}$, $^{90,95,96,97}\text{Nb}$, ^{103}Pd , ^{115}Cd , $^{110,110\text{m},111,113\text{m},115\text{m},116\text{m}}\text{In}$, $^{117,118\text{m},120\text{m},122}\text{Sb}$, $^{121,121\text{m},123\text{m}}\text{Te}$, $^{126,128,130,131}\text{I}$, $^{134\text{m}}\text{Cs}$, $^{133\text{m}}\text{Ba}$, ^{139}Ce , ^{142}Pr , ^{141}Nd ,


$^{151,153}\text{Gd}$, ^{182}Ta , ^{181}W , $^{182\text{m},186,188}\text{Re}$ ва $^{204,206}\text{Bi}$. Уйғониш функциялари ва РН чиқиш катталикларининг ўлчаш хатоликлари 12-15% ташкил қилди.

Родийни Х-нурланиши бўйича чегара қийматини аниқлаш. Родий элементининг чегара қийматини аниқлаш учун, $^{103}\text{Rh}(p, n)^{103}\text{Pd}$ реакция бўйича уйғониш функцияси ва РН чиқиш катталиги ($E_p=16$ МэВ) ўлчанилган. Қуйидаги 3- расмда $^{103}\text{Rh}(p, n)^{103}\text{Pd}$ реакциясининг эксперимент йўли билан аниқланган уйғониш функцияси $E_p=16$ МэВ келтирилган.

Родийни аниқлаш чегара қиймати (η) қуйидаги формуладан (матрица ва аралашма элементлар таҳлилга таъсири йўқ деб ҳисобланган) аниқланган:

$$\eta = A_{\min} \lambda R_x / R_m I Y (1 - e^{-\lambda t_{\text{обл}}}) \quad (3)$$

бу ерда $A_{\min} = s_{\min} / t_{\text{наб}} \cdot \alpha_{\text{эфф}} \cdot i_\gamma$; $s_{\min} = 3 \cdot (s_{\text{фон}})^{1/2} / t_{\text{наб}}$ ($T_{1/2}=17$ кун, $s_{\min} = 1.5$ имп/с); 21кэВ ва 356.7 кэВ учун $i_\gamma=77.4\%$ ва 0.029% интенсивликлар мос келади.



3 -расм. $^{103}\text{Rh}(p, n)^{103}\text{Pd}$ ядро реакциясининг уйғониш функцияси

Нурлатиш параметрлари; $t_{\text{обл}}=1$ ч, $I_p=10$ мкА, $E_p=16$ МэВ, $t_{\text{наб}}=100$ мин, $R_x=R_m$, $Y_p=8 \cdot 10^6$ Бк/мкА·ч. γ -квант ва Х-нурланишлари учун қайд қилиш эффективлиги $\alpha_{\text{эфф}}$ HPGe ва Si(Li) детекторларда аниқланди, 21 кэВ линия учун $\alpha_{\text{эфф}}=0.8\%$ ва 356.7 кэВ учун 8% ташкил қилди. 21кэВ ва 356.7кэВ линиялари учун родийнинг аниқлаш чегара қийматлари, мос ҳолда $2.2 \cdot 10^{-6}$ ва $5.8 \cdot 10^{-4}$ г/г қийматларга тенг бўлган.

Шундай қилиб родий элементини аниқлашда ^{103}Pd нинг Х-нурини қайд қилганда, унинг чегара қиймати ^{103}Pd γ -квантига нисбатан 250 мартага ошиши исбот қилинган.

Диссертациянинг 2-иловасида РН чиқиш катталиклари протон ва дейтронларнинг энергиясига боғликлиги чизма ҳолда келтирилган бўлиб, бизнинг маълумотлар CDFE (the centre for the defense of free enterprise) сайтига қўйилган.

Диссертациянинг тўртинчи «Ядровий-физиканинг таҳлил усуллари ишлаб чиқиш ва уларни амалий масалаларни ечишда қўллаш» деб номланган бобида, ЎзР ФА ЯФИ ВВР-СМ ядро реакторини ва циклотронини агробиология, антропология ва конструктив материалларни амалиётга тадқиқ

килиш учун бир қатор инструментал активацион таҳлил усуллари ишлаб чиқилган.

ИНАТ нинг биологик тадқиқотларда қўлланилиши. Тупроққа доимий равишда фосфорли ўғитлар билан ишлов бериш, фосфоритларнинг таркибий ва кимёвий хоссаларининг ўзгаришига олиб келади, натижада ердаги фосфорит ўғитлари эримайдиган ҳолатга ўтади ва тупроқнинг унумдорлиги пасайиб кетади. Бундай тупроқларнинг ўсимликларнинг вегетатив хусусиятларига таъсирини ўрганиш учун пахта ва қанд лавлаги мисолида ЎзР ФА Микробиология институти (МБИ) билан биргаликда назорат ва тажриба майдонларида тажрибалар ўтказилган.

Тажриба майдонларида минерал ва биологик ўғитлар тупроққа эримайдиган фосфат бирикмаларини эрийдиган фосфат гуруҳларига айлантиришга қодир фосфат бактериялари штаммлари шаклида киритилган.

МБИ илмий ходимлари минерал ва биологик ўғитларнинг пахта ва қанд лавлаги ўсимликларнинг ўсишига ва ривожланиш динамикасига таъсирини ўрганишган. Ўсимликларнинг ўсиш, гуллаш ва пишиш давларида, тупроқдаги микроэлементларнинг ўсимликлар органларига ўтиши, ҳаракати ва тўпланишини, ЯФИНинг илмий ходимлари аниқлаган.

Тажриба натижаларидан шу нарса аён бўлдики, Cr, Cu ва Mn элементлари учун, ўсимликлар органида "четлаш механизми" асосий рол ўйнайди. Зарарли (антропоген) хусусиятга эга бўлган Sr ва Ba элементлари пахта ва қанд лавлагининг ўсиш ва гуллаш даврида жуда ҳаракатчанлиги кузатилган. Масалан Sr элементининг тупроқдаги концентрацияси 376-634 мг/кг атрофида бўлса, пахтанинг ўсиш даврида Sr миқдори 146 дан 478 мг/кг гача ошди, аммо ҳосилга кирганда унинг миқдори 20 мг/кг гача камайган.

Пахта ва қанд лавлаги экилган тупроқдаги ва ўсимликлар органларидаги элементларнинг боғлиқлик таҳлили натижасида элементнинг биологик ютилиш коэффиценти (ЭБЮК) қуйидагича аниқланган:

$$ЭБЮК = [M_y] / [M_m] \quad (4)$$

бу ерда $[M_y]$ —элементнинг ўсимликдаги қиймати, мг/кг; $[M_m]$ —элементнинг тупроқдаги қиймати, мг/кг. ЭБЮК қиймат катталиги, элементнинг ўсимликдаги ҳаракат ва ютилиш даражасини аниқлайди. Натижада, қанд лавлаги учун ЭБЮК қийматлари пахтага нисбатан юқори эканлиги кузатилди. Масалан, қуйидаги элементлар Zn, Ba ва Cs - 1.5; Sc, Br ва Au - 3; Cu, Mn ва Rb - 4–6 марта қанд лавлагида кўплиги аниқланган.

ИНАТ антропологик тадқиқотларда қўлланилиши. Ўзбекистон ҳудудида топилган қадимги архантроп (АС), айиқ (АЙҚС) ва тарихий (динозаврлар ДС2, ДС3 ва ДС1-Мўғулистон) суякларидаги элементлар таркибини ва ўзгаришини ўрганиш учун ИНАТ усули яратилган. Намуна суякларидаги элементлар таҳлили стандарт сутэмизувчилар (ССС) ва одамларнинг стандарт суяклари ва тупроқ намуналари (ТН) билан таққосланди. 3-жадвалда ДС, ТН ва СССР намуналарида нейтрон таҳлили билан аниқланган элементлар таркиби


берилган. Келтирилган жадвалга кўра, ДС таркибидаги лантаноидлар - La, Ce, Nd, Sm, Eu, Tb, Yb ва Lu жуда юқори миқдорни 280-3200 мг/кг ташкил қилган. ДС1-ДС3 таркибида уран миқдори жуда юқори - 102-180 мг/кг аниқланган.

3-жадвал

Динозаврлар, стандарт суякларидagi ва тупроқдаги элементлар, мг/кг

№	Элемент	ДС1	ДС2	ДС3	ТН	ССС
1	Ca (%)	45.5	31.3	38.7	6.7	26
2	Sc	14.4	5.10	6.2	10.6	0.001
3	Cr	71.0	28.7	21.5	11.5	0.49
4	Fe	2026.9	0.54	3.78	$2.7 \cdot 10^4$	200
5	Co	4.82	8.11	8.3	2.4	5
6	Ni	2926.6	2400	3390	-	2.5
7	Zn	488.1	4.3	1180	383	150
8	As	97.2	8.90	-	6.8	0.3
9	Rb	-	48.2	58.2	109	5.1
10	Sr	3609	3500	1550	700	30-64
11	Ag	6.7	-	14.8	-	0.01
12	Sb	-	5.7	1.4	-	0.35
13	Cs	-	1.77	7.10	4.6	0.14
14	Ba	579	836	390	964	2-6.9
15	La	3186.6	83.10	162	48.5	0.27
16	Ce	2584.3	46	68.1	37.2	-
17	Nd	2384.5	-	-	-	-
18	Sm	563.6	80.3	19.2	3.3	-
19	Eu	175	2.7	9.6	-	-
20	Tb	143.8	0.8	5.6	-	-
21	Yb	282.2	4.9	11.4	4.18	-
22	Lu	30.1	0.48	1.22	0.4	-
23	Hf	-	1.78	4.36	5.1	-
24	Au	0.68	0.04	0.08	-	0.016
25	Th	20.6	0.6	2.13	3.68	-
26	U	180	122	102.4	3.9	0.01

4-расмда динозавр ва СССР суяклари ва тупроқ таркибидаги ушбу As, Sr, Cs, Ba, La, Au ва U элементларнинг тақсимланиш гистограммаси келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, кўрсатилган элементлар учун динозавр суяги яхши ютувчи ҳисобланади ва айниқса Sr, Ba, La ва U элементлари учун юқори бўлиб, уларнинг миқдори одатдаги суяк намунасига қараганда 100-10000 марта юқори эканлиги кўрсатилган.



4-расм. Баъзи элементларнинг ДС, СС ва тупроқда тақсимланиш гистограммаси

4-жадвалда айиқ ва архантроп суякларидаги 21 та элемент таркиби келтирилиб, улар стандарт суяклар ва тупроқ намуналари учун олинган маълумотлар билан таққосланган.

4-жадвал

Айиқ, архантроп, стандарт суякларидаги ва тупроқдаги элементлар миқдори, мг/кг


№	Элемент	АЙҚС	ССС	АС	ОСС	ТН
1	Ca (%)	48.7	26	32.9	18-36.4	2.7-6.0
2	Sc	0.11	0.001	0.07	≤0.03	3.4-6.4
3	Cr	7.18	1.4-5.2	1.41	1.4 -5.2	6.4-11.4
4	Fe	148.8	200	248.2	140-205	25 (г/кг)
5	Co	1.54	0.7	0.2	0.03-0.7	3.3-5.3
6	Zn	218.3	150	103.8	19-79	150
7	As	40.4	0.3	8.3	0.012	5-40
8	Br	8.1	4-7	4.1	0.36-16	1.5-10
9	Rb	6.3	5.1	5.8	1.4-12	30-130
10	Sr	1325	30-64	1746	18-110	100-2600
11	Mo	33	< 1.5	17.2	< 1.5	0.5-4
12	Sb	19.9	0.35	0.26	0.02-0.71	470
13	Cs	0.61	0.04-0.1	0.52	0.1-7.2	2.2-3.5
14	Ba	605.3	2-6.9	753.8	1.9	110-600
15	La	8.2	0.27	0.83	0.04-0.4	0.04-0.23
16	Ce	5.9		4.5		6.8-11.4
17	Nd	20.5		22.6		
18	Eu	0.11		0.092		0.5-1.8
19	Au	0.16	0.02	≤0.01	0.01	0.06-0,1
20	Th	≤		0.68	0.10	2.3
21	U	24.4	0.01	1.53	≤0.01	1.3-2.8

4-жадвалда келтирилган натижаларга кўра айиқ ва архантропнинг суякларида Sr, Ba, La ва Au элементлар миқдори стандарт суякка нисбатан 10-100 мартадан кўплиги кўрсатилди. Айниқса уран элементининг миқдори архантроп ва айиқ суякларида стандарт суякка нисбатан мос равишда 100 ва 2400 марта юқори эканлиги аниқланган. Биологик тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, антропологик тадқиқотларда «суяк/тупроқ» системаси учун "элементлар ютилишининг шартли коэффиценти" (ЭЮШК) деган нисбий тушунча киритилди, ва қуйидагича аниқланган:

$$ЭЮШК = [M_c] / [M_m] \quad (5)$$

бу ерда $[M_c]$ - элементнинг суякдаги қиймати, мг/кг; $[M_m]$ - элементнинг тупроқдаги қиймати, мг/кг.

5-расмда қуйидаги элементлар учун Cr, Co, Zn, Sr, Mo, Ba, U ЭЮШК гистограммаси берилган. 5-расмга асосан, суяклар ёшининг ошиши билан ЭЮШК қийматининг ўсиши кузатилди. Масалан, айиқ ва архантроп суякларининг ёшлари бир миллион йиллар атрофида бўлгани учун, уларнинг ЭЮШК нисбатлари ҳам мос ҳолда қуйидагича: Zn – 2.2 ва 1, Sr -1.9 ва 2.5, Mo -11 ва 6, U -12 ва 0.8, Cr- 0.72 ва 0.14, Co - 0.4 ва 0.05. Ba - 0.87 ва 1.1.



5-расм. СС/тупроқ, АС/тупроқ ва АЙҚС/тупроқ системасида элементлар ютилишининг шартли коэффиценти (ЭЮШК)

